



Қ А Р О Р

(апелляция инстанцияси суди)

2022 йил 27 май

Бухоро шаҳри

4-2005-2201/46-сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья С.Кушшаев

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья Ш.Ахроров

Бухоро вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судья Ф.Ражабовнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар М.Кодирова ва Ш.Ахроровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Гадоевнинг котиблигида, даъвогар Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси вакили Дж.Ҳожиев (2022 йил 5 январдаги 01/01-07-сонли ишончнома) иштирокида, даъвогар Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 81 032 101 сўм асосий қарз, 34 415 759 сўм пеня жами 34 415 759 сўм жами 115 447 860 сўмни ундиришни, тарафлар ўртасида тузилган 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли уч томонлама моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган Пешку туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори устидан “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган апелляция шикоятини Бухоро вилоят суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

даъвогар Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси судига даъво аризаси киритиб, жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 81 032 101 сўм асосий қарз, 34 415 759 сўм пеня жами 34 415 759 сўм жами 115 447 860 сўмни ундиришни, тарафлар ўртасида тузилган 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли уч томонлама моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.



Пешкў туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган уч томонлама тузилган 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартнома муддатидан олдин бекор қилинган. Жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 81 032 101 сўм асосий қарз, 5 162 363 сўм пеня ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати, республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 5 008 957,2 сўм давлат божи ундирилган.

Мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти томонидан апелляция шикоятни берилган. Апелляция шикоятида ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда тилхат орқали огоҳлантирилган жавобгар вакил иштирокини тامينламади, судлов ҳайъати ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили апелляция шикоятига эътироз билдириб, биринчи инстанция суди асосли қарор қабул қилганлигини билдириб, шикоятни рад қилишни, ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатлари ва апелляция шикоятида келтирилган вақтларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидаги келтирилган асосларга кўра жавобгарнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судида янгидан кўриш учун Ромитан туманлараро иқтисодий судига юборишни лозим топади.

иш ҳужжатларидан кўринишича, “Бухоро вилоят Давлат мулкни ижарга бериш маркази” давлат унитар корхонаси, жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) ҳамда Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси ўртасида 2019 йил 4 апрелдаги 234-сонли уч томонлама моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартнома имзоланган. Мазкур шартномага кўра ижарга берувчи (даъвогар), ижарга олувчига (жавобгар)га Бухоро шаҳари Гавкушон мадрасасининг 1-қавватидаги 299,54 кв.метр, 2-қавватидаги 73,86 кв. метрдан иборат хужралари ва 156 кв.метрдан иборат белгиланган ҳовли қисмини (бундан буён матнда “ижара объекти” деб юритилади) ижарга бериши, жавобгар эса ушбу ижара объектини қабул қилиб олиб, белгиланган ижара тўловларини тўлаб бериш мажбуриятини олган. Шартномага кўра ижара объектти 2024 йил 3 апрелга қадар ижарга берилган. Ушбу шартномага 2021 йил 6 августда 2-или қўшимча келишув расмийлаштирилган ва шартноманинг 5.1-бандига



ўзгартириш киритилган. Қўшимча келишув 2021 йил 16 августда 1511-сонли реестр рақами билан ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сонли қарори асосида “Бухоро вилоят Давлат мулкани ижарга бериш маркази” давлат унитар корхонаси қайта ташкил этилиб, ҳуқуқий вориси “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси” (бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) этиб белгиланган.

Даъво аризасида келтирилишича ҳар йили вилоят ҳокимининг қарори билан давлат кўчмас мулклардан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаси тасдиқланади ва шу сабабли шартноманинг 3-иловасида белгиланган ижара тўловининг миқдори ҳам ўзгарган.

Даъвогар ва балансда сақловчи ўз мажбуриятларини бажарган ва 2019 йил 4 апрелдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ҳамда иккинчи мартаба 2020 йил 27 февралдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан объект жавобгарга топширилган.

Аммо жавобгар тўловларни белгиланган муддатларда ва миқдорда тўламай келганлиги қайд қилинган.

Бунда даъвогар, жавобгар ва балансда сақловчига 2021 йил 15 сентябрда 252-сонли талаб хати билан мурожаат қилиб, 2021 йил 16 августдаги 1511-сонли реестр рақами билан қайд қилинган келишувнинг 3-иловасига мувофиқ 24 547 920,72 сўмлик асосий қарз ва 2 454 792,07 сўм пеня ҳисобланганлигини, жами 27 002 712,79 сўмни даъвогарнинг транзит ҳисоб-рақамига тўлаб беришни акс ҳолда судга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилишлигини, шартнома бўйича олган мажбуриятлар уч ойдан ортиқ муддатда бажарилмаётганлиги сабабли шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида огоҳлантирган.

Даъвогар такрорий равишда 2021 йил 19 ноябрда 1791/01-05-сонли хат билан жавобгар ва учинчи шахсларга мурожаат қилиб, 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмай келинаётганлиги, 2021 йил 15 сентябрда 252-сонли талабнома билан мурожаат қилиб огоҳлантирилганлиги, 2021 йил 19 ноябрь ҳолатида 81 032 101 сўм асосий қарз ва 40 516 050,4 сўм жами 121 548 151 сўм қарзни ташкил қилганлигини, шартноманинг 6.5-бандига кўра тарафлардан бири шартнома бўйича олган мажбуриятларни уй ой муддат мобайнида бажармаган тақдирда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиши мумкинлигини, шунга кўра шартнома бўйича олган мажбуриятлар 2020-2021 йиллар давомида бажармаётганлиги сабабли шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида таклифни қабул қилиб, илова қилинаётган шартномани бекор қилиш келишувига имзо ва муҳр қўйишни ва ижарга берувчига расмийлаштириш учун 5 кунлик муддатда қайтаришни сўраган.

Мурожаатлар почта алоқаси орқали юборилган, аммо жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.



Шундан сўнг даъвогар, иқтисодий судига даъво аризаси киритиб, жавобгар ҳисобидан 81 032 101 сўм асосий қарз, 34 415 759 сўм пеня жами 34 415 759 сўм жами 115 447 860 сўмни ундиришни, тарафлар ўртасида тузилган 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли уч томонлама моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Суднинг 2022 йил 7 февралдаги ажрими билан ишга низо предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Бухоро вилоят Маданият бошқармаси (бундан буён матнда “учинчи шахс” деб юритилади) жалб қилинган.

Даъвогар вакили 2022 йил 7 мартда судга даъво аризасига қўшимча киритиб, келтирилган асослардан ташқари жавобгар шартномага кўра бир ой ичида мехмонхона фаолиятни йўлга қўйиш мажбуриятини олган бўлсада, шу кунга қадар ўз фаолиятини бошламаганлигини, ижара объектидан самарасиз фойдаланиб келганлиги, бу билан шартноманинг 4.4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бузиб келганлигини келтирилган. Даъво асосига қўшимча қилинган ҳамда далолатнома нусхасини илова қилган.

Суднинг 2022 йил 7 мартдаги ажрими билан даъвогарнинг даъво асосини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинган.

Пешкў туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган уч томонлама тузилган 2019 йил 4 апрелдаги 1382-сонли моддий маданий меърос объектлари ва уларнинг қисмларини ижарга бериш бўйича шартнома муддатидан олдин бекор қилинган. Жавобгар “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси фойдасига 81 032 101 сўм асосий қарз, 5 162 363 сўм пеня ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати, республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 5 008 957,2 сўм давлат божи ундирилган.

Судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг 2021 йил 16 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан келиша олмайди.

ИПК 276-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

2019 йил 04 апрелда тузилган 1382-сонли шартнома ва 2021 йил 06 августда тузилган қўшимча келишувда шартнома иштирокчилари сифатида “Бухоро вилоят Давлат мулкни ижарга бериш маркази” давлат унитар корхонаси, “Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари



бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси (бугунги кунда Маданий мерос агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси) томонидан имзоланган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан, Маданий мерос агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси (балансда сақловчи)нинг қонуний манфаатларига даҳл қилишини инобатга олмасдан, уни низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиниш чораларини кўрмасдан процессуал хатоликка йўл қўйган.

Шунингдек, юқоридаги шартномаларга асосан ижарага олувчи мазкур объектдан қачондан фойдалана бошлаганлиги, реал қарздорлик суммаси ва қарздорлик даври биринчи инстанция суди томонидан асосли далиллар билан ўрганилмасдан ҳал қилув қарори чиқаришда вақтли хулосага келган.

Зеро, судлов ҳайъати Маданий мерос агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси (балансда сақловчи)ни ишга жалб қилмасдан туриб, мазкур низони мазмунан кўриб чиқиш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

ИПК 278-моддасининг 5-бандига кўра апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протестини) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 279-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ИПК 279-моддаси тўртинчи қисмининг 2-бандига кўра, ишнинг ишда иштирок этувчи, суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигида кўрилганлиги;

4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279 ва 302-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Юқоридаги асосларга кўра, судлов ҳайъати даъвогарнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун Ромитан туманлараро иқтисодий судига юборишни лозим топди.

Биринчи инстанция суди ишни янгидан кўришда Маданий мерос агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси (балансда сақловчи)ни ишга жалб қилиш масаласини ҳал қилиб, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган



ҳолатларни аниқлаб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда асослангилган ҳал қилув қарори қабул қилиши ва суд инстанциялари учун суд харажатларини ундириш масаласини ҳал этиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 278, 279, 280-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и :

“Асилбек Нури” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Пешку туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Иш биринчи инстанция судида янгидан кўриш учун Ромитан туманлараро иқтисодий судига юборилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан қонуний кучга киради.

Қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

Ф.Ражабов

ҳайъат аъзолари

М.Кодирова

Ш.Ахроров

